Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 23 июнь, № 122 (5289) Пайшанба

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22 июнь куни Қашқадарё вилоятига келди.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий қиёфа касб этаётир. Янги корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кенг ва равон йўллар, боғ ва хиёбонлар бунёд этилмоқда.

Қашқадарёда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари жадал ривожланмоқда. Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 105,9 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда барқарор ўсиш таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш асосида йириклаштирилган, барқарор хўжаликларни шакллантириш натижасида самарадорлик изчил ўсмоқда, фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий аҳволи тобора яхшиланмоқда. Пировардида қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш даражасини ошириш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, замонавий инфратузилмаларни шакллантириш имконияти янада кенгаймоқда.

Бугун вилоятда фаолият юритаётган 7139 фермер хўжалигининг ҳар бирига ўртача 102 гектардан ер майдони тўғри келади. Соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароит натижасида рентабеллик ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ошди.

Президентимиз Ислом Каримов Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида бўлиб, олимлар ва ёш илмий тадқиқотчилар билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур институт маҳаллий тупроқ хусусиятлари ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, суғориладиган майдонларда ғалла ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш, сув тақчиллиги ва шўрга чидамли ғалла навларини яратиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш каби вазифаларни бажаради.

— Қашқадарё — катта иқтисодий салоҳиятга, улкан имкониятларга эга вилоят, — деди Президентимиз. — Ушбу институтни айнан Қашқадарёда ташкил этишдан кўзланган мақсад — ана шу салоҳиятдан самарали фойдаланиш, вилоятнинг ўзига хос тупроқ ва иқлим шароитини илмий асосда чуқур ўрганиш, ёш олимларнинг изланишлари учун кенг имкониятлар яратишдан иборат.

Юздан зиёд олим ва илмий ходим меҳнат қилаётган мазкур институтда бугунги кунда буғдойнинг ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли навлари ўрганилмоқда. Қарши, Касби, Шаҳрисабз ва Қамаши туманларида тажриба майдонлари мавжуд. Институт олимлари томонидан яратилган "Туркистон", "Жайхун" ва "Яксарт" каби буғдой навлари тўлиқ районлаштирилди.

— Буғдой ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, ҳар томонлама сифатли ғалла навларини яратишимиз лозим, — деди Юртбошимиз. — Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 300 минг тонна ғалла етиштирилди. Ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Истиқлолнинг илк йилларида бор-йўғи 800 минг тонна ғалла етиштириб, четдан 5 миллион тонна буғдой олиб келган Ўзбекистон аллақачон ғалла экспорт қилувчи давлатлар сафидан жой олди. 2010 йилда 400 минг тоннадан зиёд ғалла экспорт қилдик.

Давлатимиз раҳбари институт олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирар экан, ёшлар салоҳияти ва имкониятларидан кенг фойдаланиш, илмий изланишлар учун уларга барча шароитларни яратиш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши биологик усулда курашиш самарадорлигини ошириш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда футболни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Футбол бўйича мамлакатимиз олий лигасида Қашқадарёнинг уч жамоаси — Қаршининг "Насаф", Гузорнинг "Шўртан", Муборакнинг "Машъал" жамоалари тўп сураётгани ҳам ана шундай доимий эътибор ва ғамхўрликнинг самараларидандир.

Давлатимиз раҳбари "Насаф" футбол клубининг Қарши шаҳридаги замонавий футбол базасини бориб кўрди. Футболчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Осиё футбол конфедерацияси кубоги баҳсларида яхши натижаларни қўлга киритаётган "Насаф" футбол жамоасини эришаётган ютуқлари билан табриклади.

— Шундай спорт турлари борки, унда спортчининг индивидуал маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ футбол — жамоавий ўйин. Унда жамоа аъзоларининг бирдамлиги, аҳиллиги, фидойилиги энг муҳим омилдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда, жумладан, Қашқадарёда футболни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътиборни "Насаф" клуби базасида яратилган шарт-шароит мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Мен Ўзбекистонда футбол жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлдим, — деди "Насаф" футбол жамоаси бош мураббийи, украиналик таниқли мутахассис Анатолий Демяненко. — Бу Сизнинг спортни, хусусан, футболни оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантиришга қаратаётган улкан эътиборингиз самарасидир.

Президентимиз "Насаф" футбол клуби жамоасига замонавий автобус совға қилди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.
Сарвар ЎРМОНОВ
олган сурат.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамият ва давлат бошқарувининг янги мукаммал институтларини яратиш зарурати туғилди. Ўтган давр мобайнида юртимизда замонавий парламентнинг ҳуқуқий асослари босқичма-босқич шакллантирилиб, унинг тизими тадрижий асосда ривожлантириб борилди.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ

давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштиришда муҳим аҳамиятга эга

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида "Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа — бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш", деб таъкидлаган эдилар.

Чунки парламент фаолиятини мунтазам такомиллаштириш, унинг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида парламент назоратининг янги шаклларини жорий қилиш демократик давлат барпо этишнинг узвий жиҳати ҳисобланиб, парламент халқ томонидан бевосита сайланадиган олий давлат ҳокимияти органи сифатида қонун чиқариш функциясини амалга оширишидан, жамиятдаги сиёсий кучлар нисбатини ифода этиб, ижтимоий манфаатлар мувозанатини таъминлашидан, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги муносабатларни қонунан тартибга солишидан, мамлакат ривожланишининг устувор йўналишлари ва истиқболларини белгилашидан келиб чиқади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолиги остида Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши, унинг роли ва таъсири кучайтирилиши ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди ҳамда ижро ҳокимиятининг қонунларни ижро этиши устидан парламент назоратининг сифати ва самарадорлигини ошириш, уни янада такомиллаштириш имкониятларини кенгайтирди.

Парламент қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш билан бир қаторда, назорат фаолиятини ҳам амалга ошириши туфайли Ўзбекистонда профессионал парламентнинг шакллантирилиши ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини ўрнатиш имконини берди.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кутилаётган натижаларга эришиш борасида муҳим қадам бўлди. Зеро, парламент назорати нафақат қонунларнинг сифати ва самарадорлигини оширишда, балки ҳокимиятлар ўртасидаги "бир-бирини тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш" тизимининг барқарор ишлашини таъминлашда, шунингдек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳам муҳим ўрин тутади.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ ОБОДЛИГИ

оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари билим ва малакаси, ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ

Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари ниҳоясига етди. Қонунийлик, очиқлик, ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилган ушбу сайловларда 363 нафар оқсоқол ва уларнинг 3 мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланди.

Аввало, бу ерда ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирга пухта ҳозирлик кўрилгани сайловни муваффақиятли ўтказиш имконини берганлигини айтиб ўтиш зарур. Хусусан, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Айни чоғда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодларни танлашга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки олий маълумотли, ҳуқуқий маданияти юқори, юксак ахлоқий фазилатларга эга оқсоқолгина ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этади.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Амалий суҳбатлар

НАВОИЙ. Хатирчи туманида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Республика Марказий банки қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирга вилоятда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ҳамда фермерлар таклиф қилинди.

Йиғилишда таъкидландики, кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, улар фаолиятини кенгайтириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш орқали сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тадбиркорларга ўз мақсад ва режаларини амалга оширишларида вилоятда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан яқиндан молиявий кўмак бериб келинаётир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида соҳа тараққиёти учун 73,8 миллиард сўмликдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу каби кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 3079 та янги иш ўрни яратилгани эътиборлидир.

Шунингдек, тадбирда тадбиркорлар, фермерлар ҳамда банклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар атрофлича муҳокама қилиниб, бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дастурхон файзи

САМАРҚАНД. Каттақўрғон туманилик тадбиркор Ш. Нурназаров саъй-ҳаракати билан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди.

Ҳозир 10 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган ушбу "Нурназар Шавқий шифокори" масъулияти чекланган жамиятида йилига 250 тоннагача сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 35 миллион сўм сарфланди.

Таъкидлаш керакки, ана шундай тадбиркорларнинг ташаббуслари туфайли жорий йил биринчи чорагида вилоятда 21,5 мингта иш ўрни яратилди.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Бунёдкорлар учун қулайлик

СУРХОНДАРЁ. Музработ туманидаги "Музработ пардоз таъмирлаш" корхонасида қишлоқ жойларда қурилаётган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар учун эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқарилаяпти.

Бунинг учун зарур бўлган ускуна ва дастгоҳларни сотиб олишда "Микрокредитбанк"нинг туман бўлими томонидан ажратилган кредит ҳамда жамоанинг салкам юз миллион сўмлик ўз маблағидан самарали фойдаланилди.

Айни пайтда ўн нафарга яқин дурадгор-уста меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларига қўшни туманларда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

БУХОРОда Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида ёшлар фестивали ташкил этилди.

Мазкур тадбир доирасида мамлакатимиз парламенти аъзолари, таниқли олимлар ва ёзувчилар, актёрлар ҳамда спортчилардан иборат гуруҳ уч кун давомида шаҳар ва туманларда бўлиб, ёшлар билан мароқли учрашувлар ўтказдилар. Ўқув юртлари, маданият ва маърифат масканлари, маҳаллаларда кечган мулоқотларда мустақилликнинг қадр-қиммати ҳақида сўз юритилди.

Фестиваль доирасида спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар уюштирилди. Анжуман Бухоро маданий марказидаги амфитеатрда намойиш этилган гала-концерт билан ниҳоясига етди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ИШБИЛАРМОНЛАРГА БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатимизнинг йигирма йиллик истиқлол даврида эришган натижалари бугун халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари бошчилигида ишлаб чиқилган, "ўзбек модели" дея ном олган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри ва пухта экани жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам яна бир карра ўз исботини топди.

2008 — 2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ

давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштиришда муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада мамлакатимизда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонунлар, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари ҳисобланади.

Бугунги кунда жамиятимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилиб, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асослари тобора мустаҳкамланмоқда. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида, жумладан, парламент ҳаётида тутган ўрни ва роли тобора ошмоқда. Шу ўринда, жамиятимизнинг демократик асосларини ва модернизация жараёнларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги муносабатларда мувозанатни янада тўлиқроқ таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Хусусан, жамиятимизнинг демократик ривожланиши даражасига монанд равишда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида билдирилган ташаббусларига мувофиқ тайёрланиб, тегишли тартибда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонунда Бош вазир номзодини парламент кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақдим этишнинг янгича тартиби, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми институти ҳамда парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга оид қатор масалалар ўз аксини топди.

Бош вазир номзодининг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши сиёсий партияларнинг ролини ошириш ҳамда Қонунчилик палатаси ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлашга қаратилган янги қоида сифатида мустаҳкамланди. Бу янгилик мамлакатимизда ижро ҳокимияти устидан самарали парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини янада оширди.

Бош вазирга нисбатан “ишончсизлик вотуми” билдириш ҳақидаги қоиданинг амалга киритилиши Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилди.

Шунингдек, Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитишдан иборат парламент эшитувлари институти каби парламент назоратининг яна бир янги шакли миллий қонунчилигимизга жорий қилинди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари мужассамлашган 78-моддасидаги 15-банди “мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш” деган сўзлар билан тўлдирилди. Бу эса, ўз навбатида, давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ижро этувчи ҳокимият устидан амалга оширладиган парламент назоратининг қуйидаги, яъни ҳукумат олдига масала қўйиш; мунозаралар; ҳукумат ва вазирларнинг ўз фаолияти юзасидан парламент, палаталар ялпи мажлисларидаги маърузаси ва ҳисоботи; ишончсизлик вотуми билдириш ёки ҳукуматга танбеҳ эълон қилиш тўғрисида резолюция чиқариш; парламент эшитувлари; импичмент; интерпелляция; парламент текшируви (тергови); парламентнинг махсус мажлислари; баъзан ижро этувчи ҳокимият идоралари устидан фавқулодда вазиятларда назоратни таъминлаб туриш учун парламент махсус мажлис чақириши каби шакллари мавжуд.

Юқорида зикр этилган парламент назорати шаклларининг айримлари миллий қонунчилигимизга жорий қилинган. Парламент назорати шаклларини янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, парламент назоратининг хорижий парламентаризм тажрибасида синалган шаклларини парламентимиз фаолиятига жорий этиш масалаларини чуқур тадқиқ қилиш ҳамда илмий асослантириш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, парламент назоратининг мавжуд шакллари такомиллаштирилиши ва янги шаклларининг миллий қонунчилигимизга жорий қилиниши, қонунларни ҳаётга тўла-тўкис татбиқ этиш, бу борадаги камчиликларни ҳамда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда юзага келадиган эҳтиёжларни аниқлаш, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини кузатиб бориш, энг муҳими, қонунчиликни янада такомиллаштириш учун қулай имкониятларни яратиш тараққиётимизнинг “ўзбек модели” янада ривож топиши ҳамда давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида муҳим қадам бўлади.

Д. ЧИНИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг бош илмий ходими.

МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ ОБОДЛИГИ

оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари билим ва малакаси, ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай саъй-ҳаракатлар сайловлар якунида ўз самарасини берди. Гап шундаки, Қорақалпоғистон Республикасидаги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари таркибида янгиланишлар кузатилди. Аввало, 131 нафар раис биринчи марта сайланганини, уларнинг 36 нафари хотин-қиз эканлигини айтиш жоиз. Раисларнинг 307 нафари олий маълумотли бўлиб, улар орасида юртимизда амалга оширилаётган 41 нафар иқтисодчи, 9 нафар ҳуқуқшунос, 102 нафар ўқитувчи борлиги ҳам эътиборга молик. Маслаҳатчиларнинг эса 1500 нафарга яқини биринчи марта сайланди.

Дарҳақиқат, бу сайловлар номзодларнинг сайловолди дастурлари пухта-пишиқ бўлиб бораётганидан далолат бериб турибди. Улар ўз дастурларида маҳалланинг истиқболига хизмат қиладиган тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, касаначилик ва оилавий бизнесга кенг йўл очиш каби масалаларга алоҳида ўрин бердилар.

Хуллас, Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови уюшқоқлик билан ўтказилиб, фуқаролар йиғинларига муносиб етакчилар ва уларнинг маслаҳатчилари сайланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан илмий-амалий конференция ташкил этилди. Геодезия, картография ва ер кадастри соҳасида замонавий инновация технологияларини татбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, мутахассис ҳамда олимлар иштирок этди.

ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯЛАР

геодезия, картография ва ер кадастри соҳаси ривожида асосий омил бўлмоқда

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда давлат кадастрининг ягона тизими яратилган бўлиб, геодезия, картография ва ер ресурслари соҳасида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало, истиқлол йилларида соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилганлигини айтиб ўтиш зарур. Жумладан, Ер ва Фуқаролик кодекслари, “Давлат кадастрлари тўғрисида”, “Геодезия ва картография тўғрисида”, “Давлат ер кадастри тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”, “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги ва бошқа йигирмадан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиб келинмоқда. Айни чоғда замонавий технологияларнинг жорий қилиниши ҳисобига мазкур соҳа жадал ривожланиб бораётир.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ҳукуматимиз томонидан соҳани янада тараққий топтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳамда АҚШ, Швейцария, Япония ва Хитойда ишлаб чиқарилган электрон тахометр ва рақамли нивелирлар жорий этилиши боис бу соҳадаги ишлар сифати янада яхшиланди. Бугунги кунда юртимизда 4 та ташкилот картография фаолияти билан мунтазам шуғулланиб келаётгани, жорий йилнинг ўтган даврида 60 дан ортиқ ташкилот ушбу йўналишда лицензия олиш учун мурожаат этгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Уларнинг 8 таси хусусий сектор вакилларидир. Бу эса соҳа қонунчилигини, хусусий секторни инобатга олган ҳолда, янги таҳрирда кўриб чиқишни тақозо этади. Айни чоғда юқори технологияларнинг ҳаётга жадал кириб келиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, рақамли ва электрон хариталарнинг пайдо бўлиши, юртимиз ҳудудидан халқаро транзит йўлларининг ўтиши, ҳаво йўлларининг кенгайиши сингари омиллар борки, буларнинг барчаси соҳа қонунчилигини янада такомиллаштиришни талаб қилаётир.

Тадбирда илм-фан ютуқлари асосида замонавий асбоб-ускуналарни яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани хусусида ҳам сўз юритилди. Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 майдаги “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг топографик-геодезия ва кадастр таъминоти учун GPS (АҚШ) ва ГЛОНАСС (Россия) сунъий йўлдош навигациявий тизимларидан фойдаланиш бўйича давлат мақсадли дастурига биноан, янги давлат геодезик йўлдошли тармоғини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумотлар берилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.

ИШБИЛАРМОНЛАРГА БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этгани кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Чунки бу жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Албатта, мана шундай юксак марраларни қўлга киритишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсатни олайлик. Биргина ўтган йили микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилди. Мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинган жорий йилда бундай имтиёзлар кўлами янада кенгайиши назарда тутилган.

Истиқлол тадбиркорларимизга жаҳон бозорларига чиқиш, маҳсулотларини чет эллик харидорларга сотиш, хориждан энг замонавий техника ва технологияларни олиб келиб, фаолиятларини янада ривожлантиришга кенг йўл очиб берди.

Ана шу шарт-шароитлардан фойдаланиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятига муносиб ҳисса қўшаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони тобора ортиб бормоқда. Лекин ҳар қандай кичик корхона ҳам ташқи бозорга мустақил равишда чиқиш имкониятига эга эмас. Чунки бунинг учун катта сарф-харажатлар керак бўлади, хорижий мамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш талаб этилади. Давлатимиз томонидан бу жиҳатлар ҳам инобатга олиниб, қатор чора-тадбирлар қўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон — Хитой савдо уйи кўмагида ташкил этилган “Chamber Invest Group” ҳамда “International Business Travel” компаниялари фаолияти айни шу эзгу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида ташкил этилган матбуот анжуманида ушбу икки компаниянинг вазифалари ҳақида журналистларга батафсил ахборот берилди. Таъкидланганидек, “Chamber Invest Group” Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва хорижий мамлакатлар Савдо-саноат палаталари ўртасида ўрнатилган алоқаларга таянган ҳолда тижорат хизматларини кўрсатади. Шунингдек, янги технологиялар, чет эл компанияларининг илғор тажрибаси, уларни татбиқ этишни молиялаштириш манбалари ҳақидаги маълумотларни тезкорлик ва аниқлик билан тақдим этади, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашади. “International Business Travel” компанияси эса бутун дунё бўйлаб ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларга, шу билан бирга, мижознинг буюртмасига асосан, ишлаб чиқариш корхоналарига бизнес саёҳатларни ташкил қилади. Саёҳат иштирокчиларига ана шу тадбирлар ва корхоналар ҳақида зарур маълумотларни ҳам етказиб беради.

Матбуот анжуманида қатнашган республикамизнинг йирик тижорат ва савдо корхоналари вакиллари, сайёҳлик бизнеси мутахассислари журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИЛЛИЙ МАТОЛАРИМИЗ ЖОЗИБАСИ

хорижликларни ҳам мафтун этмоқда

Дунёда ўзбекнинг турфа рангда товланувчи атласу адраслари довруғи етмаган юртни, миллий матоларимизнинг шуҳрати ёйилмаган элни топиш мушкул. Бир пайтлар, асосан, водийнинг ипаги, Марғилоннинг адрасу атласлари маълум ва машҳур бўлган бўлса, истиқлол йилларига келиб, бундай матоларни ишлаб чиқариш республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг оммалашди.

Хусусан, Жиззах вилоятида пиллани қайта ишлаш ҳамда ипакдан атлас ва адрас матолари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши воҳа учун муҳим янгилик бўлди. Ушбу истиқболли лойиҳани амалга ошириш учун “Қишлоқ қурилиш банк”дан олинган 450 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит ва “Жиззахкўҳинур” хусусий фирмасининг 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағи жалб қилинди.

— 2006 йилда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаган эдик, — дейди Жиззах шаҳридаги “Жиззахкўҳинур” хусусий фирмаси раҳбари, “Ташаббус — 2011” кўрик-танловининг республика босқичи совриндори Холисхон Бобоева. — Ўшанда жамоамиз 11 кишидан иборат эди. Орадан бир йил ўтиб, шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйгач, яна 70 та қўшимча иш ўрни яратилди. Тадбиркор бозор талабидан келиб чиқиб, фаолият турини кенгайтириб борса, албатта, ўз мақсадига эришар экан. Зотан, бунинг учун мамлакатимизда барча имкониятлар мавжуд. Қолаверса, бугун тадбиркор ва ишбилармонлар бевосита Юртбошимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Уларга турли имтиёзлар берилмоқда. Шу каби омиллар ипакчилик фабрикасини ташкил қилишимизга туртки бўлди. Пировардида 2010 йилда вилоят саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига асосан, пиллани қайта ишлаш корхонасини ишга туширдик. Кўп ўтмай, ипакдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ғояси туғилди. Натижада вилоятимиз ҳокимлиги кўмаги билан қисқа муддатда 2 та замонавий йигирув ва 3 та тўқув дастгоҳини олиб келиб ўрнатдик.



Жараён

Айтиш жоизки, фабрика йилига 300 тонна пиллани қайта ишлаб, 70 тонна ип тайёрлаш қувватига эга. Маҳсулотнинг 70 фоизи экспортга чиқарилади. Қолган қисми атлас ва адрас ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда. Ҳозир 250 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган “Жиззахкўҳинур”да экспортбоп ипак калаваси, 12 хилдаги атлас ва адрас матоси, ўнлаб турдаги аёллар либослари ва уй-рўзғор буюмлари тайёрланмоқда. Ўтган қисқа даврда бу ерда 190 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 56 минг АҚШ долларилик ипак калава экспортга йўналтирилди. Шунингдек, тайёр мато ва буюмлар маҳаллий бозорга чиқарилмоқда. Харидорлари кун сайин ортиб бораётган корхона жамоаси жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 700-800 минг АҚШ долларига етказишни мақсад қилган.

Улуғбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа. Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Чиқиндидан тайёр маҳсулот

Урганч шаҳридаги “Хоразм антикор инвест” корхонасида ёғ-мой саноати чиқиндисидан уч хил турдаги қурилиш битумлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ташаббус

Бунинг учун корхона томонидан 40 миллион сўм сарфланди.

Ҳозир корхонада ҳар ойда 100 тонна чиқиндидан том ёпишда фойдаланиладиган битум маҳсулотлари тайёрланиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда. Яна бир жиҳати, бу ерда 10 та иш ўрни ташкил этилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИ

Нима, қачон, қаерда?

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида кўчмас мулк бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ бу борада кенг миқёсли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида давлат уй-жой фондининг фуқароларга мулк сифатида ажратиб берилиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида янги бир тармоқ — кўчмас мулк бозори вужудга келди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кўчмас мулк бозори воситачилик хизматлари соҳаси билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, воситачилик тузилмалари (маклерлар, дилерлар, риэлторлар, агентлар) кўчмас мулк бозори иштирокчиларини тегишли ахборотлар билан таъминлаб, улар ўртасида турли келишувларни амалга оширади. Аммо шу пайтга қадар мамлакатимиз кўчмас мулк бозорида воситачилар хизматларининг қонуний асослари яратилмаганди. Бу эса кўплаб баҳсли ҳолатларга сабаб бўлаётган эди.

2010 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги қарори билан тасдиқланган Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда айни муддао бўлди. Негаки, мазкур ҳужжатларда кўчмас мулк объектларининг олди-сотдиси, риэлторлик хизмати бозори иштирокчиларининг мажбуриятлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини кафолатлаш ва муҳофаза қилиш сингари кўплаб масалалар қамраб олинган.

Дарҳақиқат, “риэлторлик” жамиятимиз учун бирмунча янги атама бўлиб, бу фаолият тури Ўзбекистонда энди шакллана бошлаган эди. Эҳтимол шундандир, ҳозирги кунда аҳоли ўртасида риэлторлик хизматидан фойдаланиш ҳали у даражада оммалашмаган. Бироқ риэлторлик бозори ривожланган давлатларда бирмунча тараққий этган бўлиб, кўчмас мулк билан боғлиқ олди-сотди, ижара шартномаларини тузишда ушбу хизмат туридан кенг фойдаланилади. Риэлторлик фаолияти брокер, маклер, агент сингари кўплаб тушунчаларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, уларнинг фаолияти қонун билан тартибга солинади.

Европада, хусусан, Бельгия, Нидерландия, Люксембургда ҳар бир агент лицензия олишдан ташқари, тегишли профессионал уюшмага аъзо бўлиши шарт. Табиийки, аъзоликнинг ҳам ўзига яраша талаблари бор. Масалан, риэлтор уч йиллик ўқув курсларини тамомлаши, белгиланган тартибда имтиҳон топшириб, диплом олиши ҳамда кўчмас мулк бозори бўйича тренингда қатнашиши лозим.

“Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга биноан, юртимизда риэлторлик соҳасидаги ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Шу боис ҳукуматимизнинг 2011 йил 10 майдаги “Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан риэлторлик фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилмоқда.

Қонун кучга кирди

Ваколатли орган риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларга лицензияни беради, қайта расмийлаштиради, шунингдек, улар томонидан лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради. Шу билан бир қаторда, лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туради, бу ҳақда судга мурожаат этади.

Ҳозирги пайтда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тадбирлар режасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан ушбу йўналишлардаги ташкилий чоралар кўрилиб, тегишли қонуности ҳужжатлари тайёрланмоқда. Шунингдек, бир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, қўмита томонидан манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлар фаолиятини лицензиялаш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув курсларининг дастур ва режалари тўғрисидаги низомлар ишлаб чиқилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида риэлторлик фаолиятининг қонунчилик асосларига оид тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Шу ўринда риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлар фаолияти учун бир қатор талаблар жорий қилинаётганини айтиб ўтиш жоиз. Чунончи, риэлторлардан фаолияти давомида қонун ҳужжатларига итоат этиш, фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги суғурта қилиш полисига, белгиланган миқдорда устав капиталига ва штатида камида икки нафар малака сертификатли ходимга эга бўлиши назарда тутилади. Айни пайтда улар риэлторлик хизматлари кўрсатишдан олинган ахборотларнинг махфийлигини таъминлаши, ҳар ярим йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига риэлторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, қўмита талабига биноан, риэлторлик хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ахборотларни белгиланган шакл бўйича тақдим этиши лозим.

Кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатадиган риэлторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 баравари, кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш чоғида воситачилик қиладиган риэлторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг камида 500 баравари, кўчмас мулк объектларини ишончли бошқаришни амалга оширадиган риэлторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1000 бараварига тенг миқдорда устав капиталига эга бўлиши ҳам Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Кўчмас мулк объектлари савдосини ташкил этадиган риэлторлик ташкилотларининг энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3000 бараварига тенг миқдорида устав капитали бўлиши лозим. Риэлторлик хизматларининг бир неча турларини амалга оширмоқчи бўлган риэлторлик хизматларининг устав капитали эса Қонунда белгиланган энг юқори миқдорда шакллантирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, бугундан эътиборан кучга кирган “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун республикамиз кўчмас мулк бозорида риэлторлик фаолиятини йўлга қўйиши, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни тартибга солиши баробарида, аҳолига кўплаб қулайликлар яратиши билан аҳамиятлидир.

Азиз НАГАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бошқарма бошлиғи.
Алишер НУРМАТОВ,
қўмита қошидаги тадқиқот марказининг кичик илмий ходими.

Шерободда янги корхона

Йўлсозлар асфальтни йўл қурилишининг хамиртуруши, деб биладилар. У қанчалик сифатли бўлса, йўллар ҳам шунчалик мустаҳкам, равон ва кўркам бўлади.

Яхши хабар

Шу таомилдан келиб чиқиб, Шеробод йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда янги асфальт заводини қуриб, фойдаланишга топширди.

Ҳозир 15 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада хорижнинг илғор технологиялари ёрдамида кунига 800 тоннагача асфальт тайёрланмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Айни пайтда геологлар юртимизнинг тоғу тошларини, далаю даштларини кезиб, халқ хўжалиги учун зарур бўлган ер ости фойдали қазилмаларини топиш билан машғуллар. Юртимиз заминида таркибида 118 турдаги минерал хом ашё бўлган икки мингга яқин кон ва мингдан зиёд истиқболли фойдали қазилмалар аниқланганги, уларнинг 66 тасидан иқтисодиётимизда кенг фойдаланилаётгани ана шундай меҳнатнинг амалий самарасидир.

ЗАМИН ХАЗИНАСИ

Айтиш жоизки, бу борадаги ишлар кўлами, айниқса, мустақиллик йилларида янги босқичга кўтарилди. Соҳага қаратилаётган юксак эътибор ҳамда мутахассисларга яратилаётган шарт-шароитлар туфайли кейинги йилларда юзлаб конлар ўзлаштирилдики, уларнинг муайян қисми Навоий ва Олмалиқ конметаллургия комбинатлари томонидан қазиб олинмоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу йирик корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш баробарида, геологлар, хусусан, Минерал ресурслар институти жамоаси зиммасига ҳам муайян вазифаларни юкламоқда. Институтда ҳозир ана шу долзарб юмушлар ижросини таъминлаш учун кўплаб илмий-услубий қўлланмалар, янги конларни баҳолаш имконини берувчи геологик башоратлаш хариталари, шунингдек, геокимёвий, минералогик, техник-технологик изланишлар билан асосланган илмий хулосалар яратилган.

Бундан ташқари, институтнинг Қурама, Шимолий ва Жанубий Нурота, Бунактоғ, Томдитоғ, Ауминзатоғ, Зиёвутдин, Чақилкалян тоғлари ҳудудидаги олтин баҳоланган ресурсларини кўпайтириш, Бойсун ва Сангрунтоғдаги ёнувчи сланецларни қайта ишлашнинг замонавий технологиясини яратиш, барча тоғкон марказлари учун йирик ва ўрта

Ислоҳот

миқёсли геологик рақамли "ГИС" хариталарини тузиш борасидаги изланишлари диққатга сазовор. Негаки, ушбу изланишларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши республикамиз иқтисодий салоҳияти янада юксалишига, янги саноат тармоқлари ҳамда иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Геология соҳасида фойдали қазилмаларни ўзлаштириш мақсадида чет эллик ҳамкорлар сармоясини жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бугунги кунда Минерал ресурслар институти хорижлик сармоядорларнинг ўлкамиз қаттиқ фойдали қазилма бойликларини ўзлаштиришда иштирок этишларини таъминлаш мақсадида Японияннинг "JOGMEG", "JGC Corporation" каби ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Натижада яқин йилларда Сурхондарё ва Навоий вилоятларида ёнувчи сланец, Қашқадарё вилояти ҳудудида эса пегматит турига мансуб конларни ўзлаштиришнинг геологик-иқтисодий жиҳатларига аниқлик киритилади.

Албатта, геология-қидирув ишларида тармоқ корхоналарини модернизациялаш ва уларни энг янги технологиялар билан жиҳозлаш муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда соҳага замонавий асбоб-ускуналарнинг жалб қилинаётгани вақт ва маблағлар сарфини сезиларли даражада камайтиришга имкон бераётир. Масалан, "Кобра" каротаж станцияларини қўллаш эвазига бурғилаш қудуқларида ўтказиладиган тадқиқотлар вақти уч бараваргача қисқарса, замонавий компьютер технологиялари ҳамда дастурий ишланмаларнинг қўлланилиши орқали геологик объектларнинг уч ўлчамдаги тасвирини кўриш имконияти ошмоқда.

Қувонарлиси шундаки, мамлакатимизда геология соҳасини ривожлантиришга берилаётган катта эътибор туфайли юртимиз минерал хом ашё базаси янги конлар ва ноанъанавий қазилма бойликлар ҳисобига мустаҳкамланиб бормоқда. Бу республикамиз саноати тараққиёти, умуман, иқтисодиётимиз юксалишида муҳим кафолатдир.

Мажид ПИРНАЗАРОВ,
Минерал ресурслар институти бош илмий ходими, геология-минералогия фанлари номзоди.

Credit Standard Bank

Маълумки, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, шунингдек, 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги соҳа ривожида муҳим омил бўлмоқда.

АСОСИЙ МАҚСАД – ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ҳамда Президент Фармони ва қарорларида кўзда тутилган вазифаларнинг изчил бажарилишида "Кредит Стандарт" банкининг ҳам ўз ҳиссаси бор.

Чунончи, 2011 йилнинг ўтган ойлари давомида "Кредит Стандарт" банки томонидан кичик бизнес субъектлари учун турли мақсадларга қаратилган жами 6 367,6 млн. сўм кредитлар ажратилди. Бу эса жорий йил бошида банк ўз олдига мақсад қилиб қўйган режанинг 119,8 фоизини ташкил этади. Ажратилган кредитларнинг 6,7 фоизи банкнинг Амалиёт бошқармасига, 76,3 фоизи банкнинг Самарқанд филиали, 17 фоизи Фарғона филиаллари ҳиссасига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг асосий қисми, қарийб ярми саноатнинг қуйидаги соҳалари: полиэтилен маҳсулотлари, қурилиш моллари ишлаб чиқариш, нон маҳсулотлари тайёрлаш, гилам маҳсулотлари тайёрлаш, яхна ичимликлар ишлаб чиқариш, 96 млн. сўми қишлоқ хўжалиги, жумладан, балиқчиликни ривожлантириш соҳасига, 66.8 млн. сўми эса транспорт ва алоқа соҳасига ҳамда бошқа йўналишларга 2 860,1 млн. сўм ажратилди.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган жами 6 367,6 млн. сўмлик кредитлар таркибида тадбиркорликка қўл урган аёлларимизни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар миқдори 291,6 млн. сўмни, сервис ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ажратилган кредитлар эса 275,4 млн. сўмни ташкил этди. Бу банк ўз режасини бир неча баробар ортиғи билан бажарганлигидан далолат беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлардан ташқари, 2011 йил давомида банк томонидан ажратилган инвестициявий кредитлар, яъни тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун асосий воситалар сотиб олишга жами 9 089,9 млн. сўм сарфланди. Ушбу кредитларнинг 54,11 фоизи Тошкент шаҳри, 25,77 фоизи Самарқанд вилояти, 20,12 фоизи Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келди. Жумладан, Тошкент шаҳрида янги, юқори сифатли тиббиёт ампулаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида замонавий ускуна сотиб олишга 4,6 млрд. сўм миқдорида ажратилган кредитни мисол келтириш мумкин. Ушбу лойиҳа натижасида 100 та иш ўрни яратилишига эришилади.

Изланиш

Банк зиммасига, шунингдек, вилоятларда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳам юклатилган. Шунга кўра, банкнинг Фарғона филиали мижози бўлган "Фарғона ёғ-мой" ОАЖ томонидан янги ишлаб чиқариш цехлари қуриш кўзда тутилган. Лойиҳа миқдори 19,0 млрд. сўм, шу жумладан, банк кредитлари 6,5 млрд. сўмни ташкил этади. Лойиҳа доирасида замонавий ускуна сотиб олишга банк томонидан 1,7 млрд. сўмлик кредит линияси очилган бўлиб, ҳозиргача 1,2 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Келгусида бошқа турдаги ускуналар харид қилишга ҳам сармоя ажратилиши кўзда тутилган.

Банк томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январда қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Кредит-Стандарт" банки томонидан 1047-сонли қарор доирасида 2010 йил давомида ушбу мақсадларга 24,2 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилгани бунга мисол бўла олади. Республикамиз аҳолисини ўсимлик ёғи билан таъминлаш мақсадида ёғ-мой саноат уюшмаси таркибига кирувчи иккита корхонага 7,9 млрд. сўмлик имтиёзли кредит берилди. Бундай кредитлар жумласига кичик бизнес субъектлари бўлган Фарғона шаҳридаги нон ишлаб чиқариш, Самарқанд шаҳридаги сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини кенгайтиришга ажратилган кредитларни ҳам киритиш мумкин. Ушбу йўналишдаги ишлар 2011 йилда ҳам давом эттирилмоқда. Жорий йилда эса мазкур мақсадларга жами 2 253,8 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу, ўз навбатида, ўсимлик ёғи ва яхна ичимликлар ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, банк томонидан 1050-сонли қарор доирасида 2010 йил давомида 4,7 млрд. сўмлик кредит ҳамда лизинг хизматлари кўрсатилди. Жумладан, Самарқанд филиали мижозига берилган узоқ муддатли 4,4 млрд. сўмлик лизинг хизмати воситасида Бельгия, Франция ва Германия давлатидан 8 хилдаги рангли гилам маҳсулоти ишлаб чиқарадиган, юқори сифатли, янги технология ускунаси мажмуаси келтирилди. Бу йил ана шу мақсадларга жами 7 193,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу ниятларга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир. Яратиб берилган кенг имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб, халқимиз фаровонлигини оширишга бел боғлаган мижозларимизни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар банкимиз жамоасига ҳам ўзгача ғайрат ва шижоат бағишлайди.

Э. СОБИРОВ,
«Кредит Стандарт» банкининг корпоратив кредитлаш ва лизинг бошқармаси бошлиғи.

ЗАВОД «ТЕМЗ» ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:
АВТОКРАНЫ
КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ
на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.
АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВОЗАПРАВЩИКИ
Объемом 8м³ и 12м³ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.

ПУЛАТ КУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ККС билан кўшиб ҳисобланган)
ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 400 000 сўмдан бошлаб.
– ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 550 000 сўмдан бошлаб.
Кесмадаги – ГОСТ 8639-82, ўлчамларда: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.
Тўғри бурчак кесимдаги – ГОСТ 8645-68, ўлчамларда: 20x20, 40x25, 50x25, 30x60,40x60, 40x80, 50x100, 60x30, 60x100, 80x120.
Devor qalinligi 1,0-4,0 мм., baxosi 1 tn. uchun 2 590 000 so'mdan boshlab.
– Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-3,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;
Бундан ташқари:
– Қозоғистонда ишлаб чиқарилган. Баҳоси 1 тн. учун 3 350 000 сўм.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ACCENT
Кафолат 2 йил ёки 50 000 км.
HYUNDAI Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11
NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«КЧМ» ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ
Табиий газ, курук ва суюк ёнилгида ишлайдиган, Россия ҳамда Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача.
Шунингдек:
Маҳсулот сертификатлаштирилган. Тўлиқ мавжуд.
КАФЕЛЬ (девор ва пол учун)
САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
ЧЎЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ
Тел./факс: 267-35-73.
Савдо шохобчаси – Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127.
zakamsk-group@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Туризм кафедраси профессори
Асқар Камалович АЛИЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Эпидемиология кафедраси мудири, профессор
Бахтиёр Ибрагимович НИЯЗМАТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси кўп йиллар давомида олий таълим тизимида фаолият кўрсатган меҳнат фахрийси
Гурий Григорьевич СОКОЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тинчлик — бебаҳо неъмат. Шу боис башарият ҳамиша тинчлик-тотувликка интилиб келган. Осойишта ҳаёт ҳукм сурган юртда эса ривожланиш, янгиланишу фаровонлик бардавом бўлади. Албатта, тинчликни таъминлаш, уни асраб-авайлаш фақат хоҳиш-ирода ёки орзу-умид билангина рўёбга чиқадиган иш эмас.
Бу йўлда пухта ўйланган сиёсат, мустаҳкам асос, қатъият ва изчиллик талаб этилади.

ФИДОЙИ, МЕҲРИБОН, ВАТАНПАРВАР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни шакллантириш борасида ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотларни бунга ёрқин мисол сифатида келтириш мумкин. Яъни ўтган вақт мобайнида ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Куролли Кучларимиз барпо этилди. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, сафарбарлик-чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани, чақирувнинг йилда бир марта ташкил қилинаётгани ва шу каби қатор жиҳатлар миллий армиямизнинг қиёфасини, унинг жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғуси кучайди.

Бугун ҳарбийлик энг шарафли касблардан бирига айланди. Чунки киши учун дунёда ўз Ватани, халқи ва оиласини ҳимоя қилишдан ҳам ортиқроқ мардонавор иш йўқ. Ҳарбий қисмларда, олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлиб, юртимизнинг асл ўғлонлари билан дилдан суҳбатлашганимизда, бунга яна бир карра амин бўлдик.

Шу ўринда Куролли Кучларимиз сафларида нафақат алп ўғлонлар, балки ўз бурчини сидқидилдан ўтаб келаётган ҳарбий аёллар ҳам борлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бу, албатта, ҳар қанча фахр ва ифтихорга муносиб. Биз яқинда ана шундай шарафли касб соҳибалари, эл осойишталигини асрашга муносиб ҳисса қўшишни ҳаётининг мазмунига айлантирган бир гуруҳ ҳарбий хотин-қизларимиз билан гурунглашдик.

— Илгарилари кўча-кўйда ҳарбий либосда юрганларни кўриб, уларга ўзгача ҳавас билан боқардим, — дейди Куролли Кучлар сафида ўз хизмат вазифасини ўтаётган, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, сержант Муниса Исломова. — Қолаверса, ҳарбийлар оиласида вояга етганим туфайли ушбу касбга меҳрим ўзгача. Ҳозир Ватан ҳимоячиси эканимдан, шу йўлда хизмат қилаётганимдан бениҳоя ғурурланаман.

— Ўзининг йигирма йиллик қутлуғ санасига ҳозирлик кўраётган мустақил Ўзбекистонимиз мана шу қисқа вақт давомида дунёдаги энг барқарор ривожланаётган давлатлар қаторига кирди, — дейди Мунисанинг яна бир касбдоши, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Барно Ирматова. — Бу, аввало, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ҳамда фуқароларо тотувлик ва аҳилликни сақлашга қаратилган оқилона сиёсатнинг самарасидир. Ана шундай шарафли ишда менинг ҳам, оз бўлса-да, ҳиссам борлигидан хурсандман.

Сир эмаски, ҳозир дунёнинг турли минтақаларида хавфли-таҳликали вазият кузатилмоқда. Мана шундай пайтда бизга берилган бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраш ва сезгир бўлиш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади.

> — Касбим тақозоси билан доим йўлда юраман, — дейди ҳайдовчи Жуманазар ака Раҳимов. — Жойлардаги ўзгаришларни кўриб, ич-ичимдан севинаман. Фарзандларимизнинг билим ва касб эгаллаши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Энг муҳими, мамлакатимизда тинчлик, тотувлик ҳукмрон, халқимиз аҳил яшамоқда. Шунинг учунми, ўзимни хотиржам ҳис этаман. Юртимиз тинчлиги ишончли қўлларда эканлиги бизнинг энг катта бахтимиз аслида.

Дарҳақиқат, Жуманазар ака айтганидек, бугун ҳар биримиз дориламон кунларда хотиржам турмуш кечирмоқдамиз. Кундузларимиз нурафшон, тунларимиз осуда ўтмоқда. Бу эса бизни юрт ободлиги йўлидаги эзгу мақсадлар сари чорлайверади.

Фазлиддин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ҒОЛИБЛАРИ

Навоий шаҳрида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Камолот” ЁИҲ ҳамкорлигида ташкил этилаётган “Келажак овози — 2011” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

Таъкидлаш керакки, тадбирнинг саралаш босқичларида тўрт минг нафарга яқин ёшлар иштирок этгани ҳам унинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Тадбирнинг вилоят босқичида 300 нафар иқтидорли йигит-қиз “Архитектура ва дизайн”, “Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник лойиҳалар, ишланмалар”, “Анъанавий ва амалий санъат”, “Адабиёт ва публицистика” йўналишлари бўйича ўз истеъдод ва салоҳиятларини намойиш этдилар.

Якунда эса энг иқтидорли 41 нафар йигит-қизга танловнинг республика босқичида қатнашиш учун йўлланма берилди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида ўтказилган “Мустақил Ўзбекистонда демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида олима аёлларнинг ўрни” мавзуидаги илмий-амалий анжуманда яна бир бор эътироф этилди.

ОЛИМА АЁЛЛАР ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ

Анжуман

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларида меҳнат қилаётган олима аёллар иштирок этдилар. Анжуман аввалида хотин-қизларнинг мамлакат илм-фан салоҳиятини юксалтиришга қўшаётган ҳиссалари ҳақида сўз борди. Жумладан, бугунги кунда улар сафида 7 нафар академик, 700 га яқин фан доктори ва 7000 дан зиёд фан номзодлари борлиги фахр билан тилга олинди. Йиғилганлар хотин-қизларнинг илм-фан тараққиёти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки мавзуларидаги маърузаларни тингладилар. Йиғилишда, шунингдек, илмий изланиш олиб бораётган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва улар сафини кенгайтириш, олима аёллар тадқиқот ва тажрибаларини амалиётга изчил жорий этиш ҳамда бошқа долзарб вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Анжуманда вилоят ҳокими Б. Юсупов иштирок этди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бахшилар куйласа, қонимизда шашту шижоат жўш ураётгандек бўлади. Дўмбиранинг сеҳрли садоси, қўбиздан таралувчи бетакрор нола қалбга сизиб кирар экан, у алланечук ёқимли ҳисларга тўлади. Зотан, бахшичилик илдизи минг йилларга бориб тақаладиган қадимий санъатимизнинг ноёб намунаси, миллий ўзлигимизга хос гўзал қадриятдир.

АЗАЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ЭЪЗОЗИ

Мерос

Шу боис, бугун мамлакатимиз миқёсида ушбу бой маданий меросни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш, уни айниқса, ёшлар онгу шуурига сингдириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Бахши-шоирлар ва оқинларнинг анъанавий республика кўрик-танлови ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар сирасидандир.

Маданий меросимизнинг ноёб дурдоналари саналган бахшичилик ва достончилик санъатини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбир бу гал кўрик-фестиваль тарзида, яъни байрамона руҳда ўтказилмоқда. Зеро, ёрқин таассуротларга бой бу сингари тадбирлар ёшларимизнинг кўҳна санъатимиз намуналарига янада кўпроқ меҳр қўйишига хизмат қилади.

Бахши-шоирлар ва оқинлар республика кўрик-фестивалининг якуний қисми жорий йилнинг 29-30 июнь кунлари Тошкент вилояти, Паркент туманидаги “Қўшчинор” номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади. Ушбу тадбир “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамғармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилмоқда. Унда кўрикнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 54 нафар бахши-шоир, оқин, жиров ҳамда халфалар иштирок этади.

— Қувонарлиси шундаки, мусиқага ихлосманд ёшларимизнинг бахшичилик санъатига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда, — дейди Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази директори Ўрозали Тошматов. — Бундан беш-ўн йил муқаддам фақат Қорақалпоғистон, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан истеъдодли бахши ва жировлар етишиб чиққан бўлса, эндиликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ушбу йўналишда самарали ижод қилаётган устоз-шогирдларни учратиш мумкин.

Кўпчилик санъатшуносларнинг фикрича, жорий йилги кўрик-фестивалда ҳам “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” сингари ғўзал достонларимизни юрақдан куйлаб, эл меҳрини қозона оладиган яна кўплаб маҳоратли санъаткорлар кашф этилиши, шубҳасиз. Энг муҳими, тадбир ташкилотчилари томонидан ана шундай истеъдод соҳибларини муносиб рағбатлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Яъни кўрик-фестиваль иштирокчиларининг ижоди таниқли санъаткор ва шоирлардан иборат ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра баҳоланиб, уларга турли номинациялар бўйича махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совринлар топширилади.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАЪТИЛ ҚУВОНЧИ

Ёзги таътил бошланиши билан маҳаллалар, таълим муассасалари ва ота-оналар учун болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масъулияти янада ортади. Шундай пайтда кимдир ўз фарзандини оромгоҳларга кузатади, кимдир қишлоқдаги бувасию бувисининг бағрига олиб боради.

«Ёз — 2011»

Хўш, “Оромгоҳларга жалб этилмаган ўқувчилар нималар билан банд бўладилар?” Бу саволга “Ёз — 2011” тадбири ҳар томонлама жавоб бўла олади. Сабаби, у юртимизнинг барча ҳудудларида навқирон авлод учун таътилни бирдек мароқли ташкил этишга хизмат қилмоқда. Бунда ўғилқизлар турли спорт ўйинлари, маданий-маърифий тадбирларда қатнашиб, ёз гаштини сурадилар.

— Шу билан бир қаторда, спорт мажмуалари, спорт клублари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг 1998 — 1999 йилларда туғилган тарбияланувчилари ўртасида баскетбол, волейбол, қўл тўпи ва футбол бўйича “Болалар лигаси” таълим мактаблари спорт залларида спортнинг 12 тури бўйича биринчиликлар ўтказилмоқда. Уларга 66 мингдан зиёд ёшлар жалб этилиши кўзда тутилган.

Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Пойтахтимизда ҳам бу борада бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 50 та умумтаълим мактаби қошида соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 16 тага кўпдир. Уларга таътил давомида жами 22500 нафар ўқувчи жалб этилади.

Табиийки, ёзни турли чемпионатлар, мусобақаларсиз тасаввур этиш қийин. Зеро, спорт болалар тили билан айтганда, “Таътилни мазза қилиб ўтказиш” имконини беради. Шу боис республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам умумўйинларига ҳам старт берилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори Анвар Мурсақулов. — Баҳслар анча қизғин ўтмоқда. Мазкур ўзига хос беғуборлик турнирининг ғолиблари Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида тақдирланади.

Мухтасар қилиб айтганда, таътилга чиққан ҳар бир болажон эътибор ва эъзозда. Улар учун ёзнинг соз ўтиши йўлида барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Саиджон МАХСУМОВ.

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ
(комиссиянинг 2011 йил 23 июндаги 02-8-36-сонли қарори)

Корхонанинг номи	Мулкдор	Устав капиталидаги улуши (%)	Бошланғич narx (АҚШ доллари)	Нарх босқичи миқдори (АҚШ доллари)	Тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар миқдори (АҚШ доллари)
[illegible]	Тошкент шаҳри	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
[illegible]	Тошкент шаҳри	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
[illegible]	Бухоро вилояти	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]

Тендер ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2011 йил 12 июль куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да.

Тендер савдолари 2011 йил 12 июль куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 55-уй манзилида ўтказилади.

Тендер иштирокчиларининг рўйхати тендер савдолари бошланишидан 1 соат олдин эълон қилинади.

Тендер иштирокчилари ариза ва ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
Ариза (анкета), паспорт, ҳарбий гувоҳнома, маълумот тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси. Номзод Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.
Телефонлар: 259-20-40, 259-22-82.

«Тошкент трактор заводи» ОАЖ

маълум қиладики, Молия вазирлигининг 2011 йил 20 июнь кунидаги 19-03-22-05-ЎзР-30-2011-сонли декларацияси билан трактор ва трактор техникаларини янги нархлари тасдиқланди ва бу янги нархлар 2011 йил 5 июлдан амал қилинади.

Шунда тракторлар:
ТТЗ 80.11 — 38 186 400 сўм,
ТТЗ 80.10 — 36 138 000 сўм
ва тракторлар тиркамалари
2ПТС-4-793А-03А — 8 368 800 сўм,
2ПТС-4-793А-04А — 7 725 600 сўм.

Ушбу эркин сотиш нархлари 20% ҚҚС билан тасдиқланди.

Бизнинг манзил: 100142, Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй.
Тел./факс: 264-05-61, 264-76-56, 264-07-58.
Электрон манзил: marketing@ttz.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси

қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

- **Бош бухгалтер ўринбосари.**
Номзодлар учун шартлар: бухгалтерия ҳисоби ва аудит иқтисодий мутахассислиги бўйича олий маълумот, беш йиллик, шу жумладан, бюджет ва аудиторлик ташкилотларида камида уч йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлиш, MS Office, Word, Excel дастурларида ишлай олиш.
- **Хусусийлаштиришдан кейинги мониторинг бошқармаси бош мутахассиси.**
Номзодлар учун шартлар: бухгалтерия ҳисоби ва аудит иқтисодий мутахассислиги бўйича олий маълумот, аудиторлик ёки баҳолаш ташкилотларида меҳнат тажрибасига эга бўлиш, MS Office, Word, Excel дастурларида ишлай олиш.
- **Биринчи тоифали котиб — иш юритувчи (референт).**
Номзодлар учун шартлар: олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлиш, мутахассислиги бўйича тажрибага эга бўлиш, ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлашиш, MS Office, Word, Excel дастурларида ишлай олиш.

Номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
Сўровнома (анкета), паспорт, ҳарбий гувоҳнома, маълумот тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси. Номзод Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.
Телефонлар: 259-20-40, 259-22-82.

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови

Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили



ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади.

Маълумот учун тел: (+99897) 100-83-13, (+99893) 382-56-57, (+99871) 257-44-01, факс: (+99871) 257-58-61.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 67044 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.15 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5